

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ИГАМБЕРДИЕВА ДИЛАФРУЗ УТКИРОВНА

**КЎП СУВЛИЛИК КУЗАТИЛГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА
ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИНИ ВА АКУШЕРЛИК ТАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Игамбердиева Дилафруз Уткировна

Кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда ташхислаш
усулларини ва акушерлик тактикасини такомиллаштириш..... 3

Игамбердиева Дилафруз Уткировна

Усовершенствование методов диагностики
и акушерской тактики у беременных с многоводием..... 31

Igamberdieva Dilafruz Utkirovna

Improvement of diagnostic methods and obstetric tactics
in pregnant women with polyhydramic fruits..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 62

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ИГАМБЕРДИЕВА ДИЛАФРУЗ УТКИРОВНА

**КЎП СУВЛИЛИК КУЗАТИЛГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА
ТАШХИСЛАШ УСУЛЛАРИНИ ВА АКУШЕРЛИК ТАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2347 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akusherstvo.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупбаев Рустем Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ниязметов Рахматилла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Уринбаева Нилуфар Абдужаббаровна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат Тиббиёт Институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.11.2023.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А уй. Тел/факс: (+99871) 263-78-18, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А уй. Тел/факс: (+99871) 263-78-18.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кuni тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

А.М. Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

М.М. Асатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги йиллардаги тиббиёт ютуқларига қарамасдан, кўп сувлилик ҳомиладорликнинг 1–2% ҳолатларида учрайди ва перинатал асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлиб, перинатал ўлим кўрсаткичининг 13–17% гача ташкил этади. Сўнги йилларда ҳомиладорларда ўткир кўп сувлилик кузатилиши сабабли кесар кесиш амалиётининг 60–75% гача ортишини ташкил этади. Шу билан бирга, «...кўп сувлилик кузатилган ҳомиладорлик билан боғлиқ чақалоқлар ўлими нисбатан 2,3 баробар кўп учрайди»¹. Айниқса, ҳозирги вақтда ҳомила ривожланишида юзага келадиган турли патологиялар (туғма нуқсонлар, генетик синдромлар ва инфекция жараёнлар) ҳамда она томонидан кузатиладиган касалликларнинг (қандли диабет, буйрак касалликлари, гипертензив ҳолатлар ва бошқалар) ортиши кўп сувлилик ривожланишининг муҳим сабаблари ҳисобланади. Акушерлик асоратлари ва перинатал ўлим даражасининг юқори бўлиши кўп сувлиликни ташхислаш усуллари тақомиллаштиришни, замонавий акушерликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, кўп сувлиликнинг этиологияси ва патогенезининг тўлиқ очиқ берилмаганлиги сабабли замонавий даволаш ёндашувларини ишлаб чиқиш ва янги перинатал технологияларни жорий этишда қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада кўп сувлилик кузатилган ҳомиладорларда кам инвазив фетоскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳомиладорлар мониторингини олиб бориш, бачадон-плацентар тизимда қон оқимининг бузилиши, ҳомила гипоксияси, плацентанинг барвақт ажралиши, оператив туғруқлар, туғруқдан кейинги қон кетиши, янги туғилган чақалоқларда Апгар шкаласи бўйича паст баллар, ўлик туғилиш, перинатал ўлим ва эрта туғруқлар хавфи кўрсаткичларини камайтириш, ҳомиладор аёлларнинг ушбу контингентда акушерлик ва перинатал асоратларнинг частотасини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини тақомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш учун самарали воситага айлантириш, рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш бўйича қисқа ва узоқ муддатли режаларни ишлаб чиқиш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифати сезиларли даражада яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларга ихтисослашган ва юқори

¹ Амниоредукция при многоводии в последовательной серии в одном центре: показания, риски и перинатальные исходы – РМС, 2024г Апр 22;11(4):502.

технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кенгроқ амалга ошириш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бевосита постнатал асоратларни, жумладан вақтидан олдин туғруқни олдини олиш, шунингдек бу категориядаги ҳомиладор аёлларда ушбу асоратларни олдини олиш бўйича ўз вақтида диагностика ва профилактик чора-тадбирлар протоколини такомиллаштириш зарур бўлган илмий асосланган тадқиқотлар талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 9 августдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу илмий тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ, “Тиббиёт ва фармакология”, АЛ-56-тур21101918 «Кам инвазив фетоскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳомила патологиясини прогноз қилиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш» амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп сувлилик — ҳомиладорлик асоратлари ва салбий перинатал асоратлар ривожланишида муҳим омилдир. Ҳатто аниқ сабабларсиз (идиопатик кўп сувлилик) ҳам бу ҳолат ноқулайдир. Сўнгги мета-таҳлиллар (Kechagias ва бошқ., 2024) кўрсатганидек, идиопатик кўп сувлилик эрта туғруқ хавфини ($RR \approx 1,96$), плацента ажралиши ($RR \approx 3,20$), кесарча кесиш ($RR \approx 1,60$), туғруқдан кейинги қон кетиши ($RR \approx 1,98$), Апгар шкаласи бўйича паст баҳолар, ўлик туғилиш ($RR \approx 4,75$) ва перинатал ўлим ($RR \approx 4,75$) хавфини оширади.

ResearchGate илмий базаси маълумотларига кўра, ҳозирги кунда кўп сувлиликнинг турли этиологиялари ва унинг турли акушерлик ва перинатал асоратлар билан боғлиқлигига бағишланган 2167 дан ортиқ тадқиқотлар эълон қилинган. Кўп сувлилик бир қатор асоратлар ривожланиши хавфини оширади: ҳомила гипоксияси хавфи (нисбий хавф 2,1), фетоплацентар тизимдаги қон айланишининг бузилиши, ва эрта туғилиш (нисбий хавф 1,59) (Zhou L. ва бошқ., 2016).

С. Зейно ва ҳаммуаллифларнинг маълумотларига кўра, идиопатик кўп сувлилик ҳомиладорлик вақтида кесар кесиш операцияси хавфининг

мустақил омили сифатида қаралади, ҳатто турли ҳамроҳ факторларни ҳисобга олгандан сўнг ҳам (OR=21,02, 95% CI [8,004–55,215], P<0,001). Бу маълумотлар бошқа кўплаб тадқиқотларнинг натижаларига мос келади. Масалан, 215 та идиопатик кўп сувлилик ҳолати ўрганилган ретроспектив серияда Авирам ва бошқалар кесарча кесиш хавфи ошганини кўрсатувчи OR 2,6 кўрсаткичини аниқлашди. Кс ва бошқалар (2017) тадқиқотида диабетли бор ҳомиладор аёлларда кўп сувлилик ривожланиш хавфи соғлом ҳомиладор аёлларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги кўрсатилган (Кс et al., 2017). Гипертензив бузилишлар, жумладан преэклампсия, кўп сувлилик ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлиб, бу Narang et al. (2018) тадқиқотларида тасдиқланган. Ҳомиладорлик асоратлари орасида энг жиддий муаммолардан бири ўткир кўп сувлилик вақтида ҳомиладорликни олиб боришдир. L. Poon, R. Napolitano ва ҳаммуаллифларнинг маълумотларига кўра, фетоплацентар тизимнинг бузилишлари ва ҳомила гипоксиясининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги вақтда кўп сувлилик вақтида ҳомиладорликни бошқариш тактикасини белгилаш ва туғруқни оптимал муддатларда амалга ошириш учун стандарт мезонлар мавжуд эмас.

Бу маълумотлар муаммонинг долзарблигини ва кўп сувлилик бўлган ҳомиладор аёлларни бошқаришда диагностика ва тактикани такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертация мавзусининг, диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши АЛ-56-тур21101918 (2023–2025-йй.) «Кам инвазив фетоскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳомила патологиясини прогноз қилиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш» амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқилган универсал бачадон ичи портидан фойдаланган ҳолда узайтирилган амниоредукция усулининг самарадорлиги ва хавфсизлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг кечиши, туғруқ жараёни ва перинатал натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

амниоредукция амалиётини ўтказиш учун ултратовуш текшируви орқали фетоплацентар тизим ҳолатини ва кўп сувлиликнинг оғирлик даражасини хусусиятларини баҳолаш;

амниотик суюқликни кислота-ишқорий ҳолати (КИХ), ИЛ-6, прокальцитонин даражаси ва микрофлорасининг бактериал экма замонавий диагностика усуллари билан таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ҳомиладорликнинг кечиши, оқибатлари ва ҳомиланинг ҳолатини стандарт ва узайтирилган амниоредукция усулига боғлиқ ҳолда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021–2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида ўткир кўп сувлилик кузатилган 55 та ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёллардан олинган амниотик суюқликнинг баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий клиник, клиник-анамнестик, лаборатор инструментал, иммунологик, клиник параметрларни статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйдагилардан иборат:

илк бор оғир даражадаги кўп сувлилик аниқланган ҳомиладор аёлларда амниоредукция талаб қилувчи асосий клиник омиллар (идиопатик кўп сувлилик, туғма нуқсонлар ва фето-фетал трансфузия синдроми) аниқланди;

илк бор оғир даражадаги кўп сувлилик аниқланган ҳомиладорларда амниотик суюқликдаги кислота-ишқор мувозанати (рН) пасайганлиги, кислород парциал босими (рО₂) пасайганлиги ва лактат даражасининг ошганлиги аниқланди ва шу орқали ҳомила гипоксиясининг субклиник босқичини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини коррекция қилишнинг самарадорлиги исботланди;

илк бор оғир даражадаги кўп сувлилик ҳолати кузатилган ҳомиладор аёлларда универсал бачадон ичи порти ёрдамида амниотик суюқликни назоратли равишда камайтиришга қаратилган такомиллаштирилган амниоредукция усули ишлаб чиқилди;

илк бор турли генезли кўп сувлилик аниқланган ҳомиладорларда фаол хирургик тактика – такомиллаштирилган амниоредукция усулини қўллаш орқали ҳомиладорликни оптимал муддатгача узайтириш ва перинатал асоратлар хавфини камайтиришга қаратилган ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми самарадорлиги исботланди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйдагилардан иборат:

оғир даражадаги кўп сувлиликни эрта аниқлаш учун ҳомиладорликнинг 20-ҳафтасидан бошлаб амниотик суюқлик индекси (АСИ) ёки энг катта чўнтак чуқурлигини ўлчаш орқали ултратовуш текширувини ўтказиш тавсия этилган. АСИ қиймати 240 см дан юқори бўлган ҳолатларда шифокорлар томонидан ҳар икки ҳафтада бир марта амниотик суюқлик ҳажмини баҳолаш орқали динамик кузатувни амалган оширишга ёрдам берган;

оғир кўп сувлиликни даволаш учун универсал бачадон ичи портини ўрнатиш, бу инфекцион асоратлар, шу жумладан хориоамнионит хавфини камайтиришга, шунингдек, қоғоноқ пардасининг эрта ёрилиши ва вақтидан олдин туғруқ эҳтимолини камайтиришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларнинг ҳолатини баҳолашнинг объектив критерийлари, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларининг тўғри қўлланилиши билан асосланган. Тадқиқот етарли клиник материал устида ўтказилган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари замонавий илмий-амалий қарашлар ва ҳомиладор аёлларда ўткир кўп сувлилик кузатилган аёлларни ташхислаш ва даволашга ёндашувларга асосланган. Кўриб чиқилган вазифаларнинг ечими замонавий синовдан ўтган тиббий статистика усуллари билан амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий натижаларнинг аҳамияти шундаки, оғир даражадаги кўп сувлилик ҳолатининг сабаблари ва натижалари аниқланди, инвазив даволаш – амниоредукция учун кўрсатмалар белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, такомиллаштирилган бачадон ичи портидан фойдаланиш усули ишлаб чиқилди, бу она ва ҳомила учун асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. Кўп сувлилик бўлган ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритмни қўллаш перинатал асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази экспертлар кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги №29 у-т/15 эксперт хулосаси асосида тасдиқланган:

биринчи илмий янгилик: илк бор оғир даражадаги кўп сувлилик аниқланган ҳомиладор аёлларда амниоредукция талаб қилувчи асосий клиник омиллар (идиопатик кўп сувлилик, туғма нуқсонлар ва фето-фетал трансфузия синдроми) аниқланган. Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус ва Хоразм филиалларининг (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги 29 у-т/15 сонли хулосаси билан) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда амниотик суюқликни бактериологик текширув, кислота ишқор ҳолатини ўрганиш, доплерометрия ва амниоредукция каби текширувларни амалга ошириш ҳомиладорликни оптимал муддатларгача ўзайтириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда амниотик суюқликни бактериологик текширув 222800 сўмни, кислота ишқор ҳолатини текширув 145500 сўмни, ҳомила ултратовуш ва доплерометрия текшируви 214200 сўмни ва амниоредукция муолажаси 221300 сўмни ташкил қилади. Ҳомилада қон айтанишига баҳо бериш ва вақтидан олдин туғруқни олдини олиш мақсадида ҳар битта беморга (1март ҳисобда) 803800 сўм ташхис кўйиш учун сарфланади. Кўрсатилган текширувлар ҳомила гипоксиясини аниқлашда бир марта амалга оширилган ҳолда 803800 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин (бу текширувлар индивидуал таризда ҳар битта ўткир кўп сувлилик кузатилаган ҳомиладор аёлларда 2-10 мартагача амалга оширилиши мумкин). Ўртача ҳисобда 5 марта амалга оширилган 4019000 сўмни ташкил қилади. Хулоса: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомила гипоксиясини ташхислаш бир марта амалга оширилган ҳисобда бюджет маблағларини 4019000 сўм тежаш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: илк бор оғир даражадаги кўп сувлилик аниқланган ҳомиладорларда амниотик суюқликдаги кислота-ишқор

мувозанати (рН) пасайганлиги, кислород парциал босими (рO₂) пасайганлиги ва лактат даражасининг ошганлиги аниқланди ва шу орқали ҳомила гипоксиясининг субклиник босқичини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини коррекция қилишнинг самарадорлиги исботланган. Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус ва Хоразм филиалларининг (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги 29 у-т/15 сонли хулосаси билан) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда кислота ишқор ҳолатини ўзгариш ўз вақтида ҳомиладаги гипоксиясини аниқлашга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган аёлларда кислота ишқор ҳолатини ўзгариш ҳомила гипоксиясини ташхислаш имконини беради ва нархи стандарт ҳолларда 145500 сўмни ташкил қилади. Ҳомилада қон айтанишига баҳо беришда фойдаланиладиган ултратовуш ва доплерометрия текширув усули эса 214200 сўмни (бир марта) ташкил этади. Бу текширувлар ҳомилада динамикада кўп маротаба такроран қилиниши мумкин. Кўрсатилган текширувлар ҳомила гипоксиясини аниқлашда бир марта амалга оширилган ҳолда 68500 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин (бу текширувлар индивидуал тарзда ҳар битта ўткир кўп сувлилик кузатилаган ҳомиладор аёлларда 2-10 мартагача амалга оширилиши мумкин). Хулоса: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда ҳомила гипоксиясини ташхислаш бир марта амалга оширилган ҳисобда бюджет маблағларини 68500 сўм тежаш имконини берди;

учинчи илмий янгилик: илк бор оғир даражадаги кўп сувлилик ҳолати кузатилган ҳомиладор аёлларда универсал бачадон ичи порти ёрдамида амниотик суюқликни назоратли равишда камайтиришга қаратилган такомиллаштирилган амниоредукция усули ишлаб чиқилган (патент № FAP 2606; FAP 202440116). Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус ва Хоразм филиалларининг (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги 29 у-т/15 сонли хулосаси билан) амалиётига жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда узок муддатли такомиллаштирилган амниоредукция усулини қўллаш хориоамнионит хавфини камайтиришга, қоғоноқ пардасининг эрта ёрилиши ва вақтидан олдин туғилиш эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда оддий амниоредукция амалиётини бажариш 221300 сўмни ташкил қилади ва бу амалиёт ҳар бир беморда ўртача 8 марта (1770400 сўм) амалга оширилади. Ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда узок муддатли

такомиллаштирилган амниоредукция усулини қўллаш ҳар битта беморда ўртача 3 марта амалга оширилади ва 663900 сўм ташкил этади. Узок муддатли такомиллаштирилган амниоредукци амалиёти ҳар битта бемор учун ўртача 1106500 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. Хулоса: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда ташхислаш ва даволаш мақсадида қилинган узок муддатли такомиллаштирилган амниоредукция бюджет маблағларини 1106500 сўмга тежаш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор турли генезли кўп сувлилик аниқланган ҳомиладорларда фаол хирургик тактика – такомиллаштирилган амниоредукция усулини қўллаш орқали ҳомиладорликни оптимал муддатгача узайтириш ва перинатал асоратлар хавфини камайтиришга қаратилган ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми самарадорлиги исботланган. Олинган илмий-амалий маълумотлар соғлиқни сақлаш ва клиник амалиётга, хусусан, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус ва Хоразм филиалларининг (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги 29 у-т/15 сонли хулосаси билан) амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: кўп сувлилик кузатилаган ҳомиладорликни олиб бориш алгоритми амалиётда қўллаш она ва ҳомила томонидан кузатилиш эҳтимоли бўлган асоратларни олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир кўп сувлилик кузатилган аёлларда вақтидан олдин туғилган чақалоқларни чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш бўлимида шифохонада қолиш муддатини ўртача 25 кундан 12 кунга (13 кун) қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 18730400 сўмга камайтирганлиги ҳисобига иқтисод қилинган (Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази нинг прејскурантига кўра шифохонада чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш бўлими 1 кун қолиш 1440800 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон 15000000 сўмга кам талаб этилган (1 кунга ўртача 1500000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларни олиб боришда она ва ҳомиланинг заҳиравий имкониятларини назорат қилиш ва ҳомила учун хавfli ҳолатларни ўз вақтида ташхислаш ва амалиётда қўлланилишида бир нафар чақалоқ ҳисобига бюджет маблағларини 18730400 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро конгресс ва 2 та халқаро республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашрлари. Диссертация иши мавзуси бўйича 12 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шу жумладан 5 та журнал мақоласи, улардан 4 таси республикада, 1 таси хорижий журналларда

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун илмий нашрларда чоп этиш тавсия этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши, тўртта боб, хулосалар, натижалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 115 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Адабиётлар шарҳи. Кўп сувлиликнинг диагностика ва патогенезининг замонавий жихатлари»** маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг ишларига умумий нуқтаи назарни ўз ичига олади, хомиладорлик даврдиги адаптацион ўзгаришлар, амниотик суяқликни хомила учун роли, кўп сувлиликни ташхислаш, акушерлик ва перинатал асоратлар туғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва тадқиқот усуллариининг характеристикаси»** деб номланган иккинчи бобида ўрганиш объектининг хусусиятлари ва муаммони ҳал этишни таъминловчи усуллар келтирилган. Тадқиқот 2021 йилдан 2024 йилгача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида (директор – тиббиёт фанлари доктори Надирхонова Н.С.) «Кам инвазив фетоскопик технологиялардан фойдаланган ҳолда хомила патологиясини прогноз қилиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш» АЛ-56-тур21101918 (2023–2025-йй.) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Клиник-статистик таҳлил учун РИОваБСИАТМда туғруқ амалга оширилган 55 та хомиладор аёл (ўткир кўп сувлилик билан) танлаб олинди.

Тадқиқот гуруҳларига киритилган хомиладорларнинг биринчи кўрикдан ўтказилиши, ташхис қўйилиши, даволаш чораларини танлаш ва аёл ҳамда хомиланинг ҳолатини динамик кузатиш РИОваБСИАТМда амалга оширилди. Скрининг босқичида 189 та кўп сувлилик ҳолатига эга хомиладорлар текширилган, аммо тадқиқотга ташхис қўйиш мезонларига мос келадиган 55 нафар хомиладор (ўткир кўп сувлилик билан) киритилган.

Тадқиқот дизайнига кўра, биринчи босқичда кўп сувлилик ҳолати билан боғлиқ хомиладор аёлларнинг 199 та туғруқ тарихи бўйича ретроспектив тадқиқот ўтказилди. Иккинчи босқичда эса 2021 йил январидан 2024 йил март ойигача ўткир кўп сувлилик ҳолатига эга аёллар (n=55) ўртасида

проспектив тадқиқот амалга оширган. Тадқиқот учун беморларни танлаш, киритиш чиқариш мезонларига мувофиқ амалга оширилди. Асосий гуруҳни универсал бачадон ичи порти қўлланилган 21 нафар ҳомиладор ва таққослаш гуруҳини стандарт амниоредукция қўлланилган 34 нафар ҳомиладор. Тадқиқот учун киритилган барча беморларда амниотик суюқлик олиб кислота ишқор ҳолати, ИЛ 6, прокальцитонин, бактериал экама ва ҳомила доплерометрияси текшируви амалга оширилган.

Асосий гуруҳдаги ҳомиладорларнинг ўртача ёши $28,2 \pm 4,2$ ёшни ташкил этган, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич бироз паст бўлиб, $27,8 \pm 4,2$ ёшни ташкил этган. Паритетга (туғруқ сонига) кўра асосий гуруҳдаги аёлларнинг 23,8% биринчи марта туғувчилар бўлиб, 76,2% қайта туғувчилардир. Таққослаш гуруҳида эса биринчи марта туғувчилар улуши 23,5%, қайта туғувчилар эса 76,5%ни ташкил этган. Асосий гуруҳдаги ҳомиладорларнинг биринчи марта кўп сувлилик билан мурожат қилган муддати $27,0 \pm 3,2$ ҳафта ва таққослаш гуруҳидаги ҳомиладорларнинг муддати эса $27,5 \pm 3,1$ ҳафтани ташкил этди.

Олинган натижалар «Excell» илова дастурлари пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Сараланганларнинг тўғри тақсимланганлиги текширилгач, Стьюдент (t) мезони асосида хатолар эҳтимоли (p) ҳисобга олиниб, параметрик вариантлар таққосланди.

Диссертациянинг «Ўткир кўпсувлилик мавжуд аёлларда ҳомиладорлик, туғиш даври ва перинатал натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида кўп сувлилик частотасини аниқлаш мақсадида РИОваБСИАТМда амалга оширилган 3315 туғруқ тарихи бўйича ретроспектив таҳлил ўтказилган. Ретроспектива таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 2020 йилда РИОваБСИАТМга туғруқ учун мурожат қилган ҳомиладор аёлларнинг умумий популяцияси орасида 6% ($n=199$) аёлда кўп сувлилик бўлгани аниқланган. Улардан 3-даражали кўп сувлилик ҳолати $n=26$ (13,06%) ҳомиладор аёлларда аниқланган.




1–расм. Кўп сувлилик ҳолатидаги ҳомиладорларнинг ёши (ретроспектив таҳлил бўйича)

Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларнинг ёши 21 ёшдан 40 ёшгача бўлиб, ўртача ёш $28 \pm 2,64$ ёшни ташкил этди. Улар орасида 26–35 ёшли аёллар улуши энг юқори бўлиб,


умумий ҳолатларнинг 55,6% ни ташкил этган (1-расм). Шунингдек, 18–25 ёшли аёллар гуруҳига тўғри келган ҳолатлар 38,8% ни ташкил этди. Ушбу натижалар кўп сувлилик, асосан, фаол репродуктив ёшдаги аёллар орасида тез-тез учрайдиган ҳолат эканини кўрсатди.

Кўп сувлилик ҳолатидаги ҳомиладор аёлларнинг паритети, яъни ҳомиладор аёлларнинг аввалги ҳомиладорликлари сони бўйича тақсимоти 2-расмда кўрсатилган. Таҳлил маълумотларига кўра, биринчи марта ҳомиладор бўлган аёллар кўп сувлилик ҳолатларининг 41,7% ни ташкил этган. Қайта ҳомиладор бўлганлар эса 54,2% ни ташкил қилиб, кўп сувлилик ҳолатлари асосан анамнезида ҳомиладорлик бўлган аёлларда кўпроқ учраган. Кўп марта туғруқ қилган аёллар (3 ва ундан ортиқ ҳомиладорлик) эса атиги 3,7% ни ташкил этган.



2-расм. Кўп сувлилик ҳолатидаги ҳомиладорларнинг паритети

3-расмда кўп сувлиликка олиб келган энг кўп учрайдиган сабаб сабаб ретроспектив таҳлилга асосан, идиопатик сабаблар — 52,7% (n=105) бўлиб, бу категорияда сабаблар аниқланмаган ҳолда, кўп сувлиликнинг энг катта қисмига тегишлидир. ФФТС (Фетал-фетал трансфузиони синдроми) — 16,0% (n=32). Бу ҳолатда бир ҳомила иккинчисидан кўпроқ амниотик суюқлик олади. Резус конфликт — 10,5% (n=21). Резус конфликти, яъни резус омилларининг низоси, кўп сувлиликка сабаб бўлиши мумкин. Инфекциялар — 10,0% (n=20).



3-расм. Кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда кўпсувлиликка олиб келган сабаблар

Ҳомиладорлик даврида инфекцияларнинг мавжудлиги амниотик суяқликнинг ошишига олиб келиши мумкин. Қандли диабет — 9,0% (n=18). Қандли диабетнинг мавжудлиги кўп сувлилик сабаб бўлган. Ҳомила туғма нуксонлари — 2,5% (n=5). Ҳомила туғма нуксонлари ҳам кўп сувлиликка сабаб бўлиши мумкин. Ирсий касалликлар — 2,5% (n=5). Ирсий касалликлар ҳам кўп сувлиликнинг сабаблари орасида бўлган.

1-жадвалда кўп сувлилик билан ҳомиладор аёлларда туғруқ жараёнининг асосий (n=199) кўрсаткичларни ўз ичига олади. Текширув натижалари туғруқ жараёнидаги асоратлар, туғруқ усуллари ва қўлланилган тиббий чоратадбирларни намоён этади. Кўп сувлилик ҳолатидаги ҳомиладорларда туғруқ кечиши натижалари шуни кўрсатдики ҳомила қоғонок пардасининг муддатидан олдин ёрилиши 116 ҳолатда, яъни 58,3% ҳолларда кузатилган бўлиб, кўп сувлиликка хос бўлган қоғонок пардаси таранглиги ва ёрилиш хавфининг юқори эканлигини кўрсатади. Ҳомила қоғонок пардасининг туғруқдан олдин ёрилиши эса 21 ҳолатда (10,5%) қайд этилган, бу эса инфекция асоратлар хавфини оширадиган ҳолат ҳисобланади. Барвақт туғруқлар: 32 ҳафтагача бўлган туғруқ — 91 ҳолат (45,7%), 32 ҳафтадан 37 ҳафтагача — 75 ҳолат (37,6%), бу эса муддатидан олдинги туғруқларнинг юқори учраш частотасини кўрсатади. Муддатидаги туғруқлар — 33 ҳолат (16,6%) ни ташкил қилган, бу эса кўп сувлиликда нормал муддатдаги туғруқлар сони нисбатан паст эканлигини кўрсатади. Туғруқ фаолиятининг заифлиги — 16 ҳолат (8,0%), туғиш фаолиятининг дискоординацияси — 8 ҳолат (4,0%), тез туғруқ — 9 ҳолат (4,5%) да кузатилган.

1-жадвал

Кўп сувлилик ҳолатидаги ҳомиладорларда туғруқнинг кечиши

| Кўрсаткич | Ретроспектив гуруҳи (n=199) | | |
|--|-----------------------------|------|------|
| | абс. | % | |
| Ҳомила пуфагининг муддатидан олдин ёрилиши | 116 | 58,3 | |
| Ҳомила пуфагининг туғруқдан олдин ёрилиши | 21 | 10,5 | |
| Барвақт туғруқ <32 ҳафта | 91 | 45,7 | |
| Барвақт туғруқ <37 ҳафта | 75 | 37,6 | |
| Муддатидаги туғруқ | 33 | 16,6 | |
| Туғиш фаолиятининг заифлиги | 16 | 8,0 | |
| Туғиш фаолиятининг дискоординацияси | 8 | 4,0 | |
| Тез туғруқ | 9 | 4,5 | |
| Қон кетиши | | | |
| НЖЙМОА | 21 | 10,5 | |
| Гипотоник | 11 | 5,5 | |
| Кесар кесиш (n=141; 70,8%) | Режалаштирилган | 80 | 40,2 |
| | тезкор | 61 | 30,6 |
| Табиий йўл билан туғиш (n=58; 29,2%) | 58 | 29,2 | |
| Бачадон бўшлиғини қўлда текшириш | 3 | 6 | |

Қон кетиш ҳолатлари эса НЖЙВОК — 21 ҳолатда (10,5%), гипотоник қон кетиши — 11 ҳолатда (5,5%), бу эса туғруқ фаолиятининг сустлашиши билан боғлиқ ҳолатлардир. Кесарча кесиш амалиёти жами 149 аёлда амалга оширилган бўлиб, бу барча ҳолатларнинг 70,8% ни ташкил қилади. Шулардан режалаштирилган кесарча — 80 ҳолат (40,2%), тезкор кесарча — 61 ҳолат (30,6%) да бажарилган. Табиий йўл билан туғруқ 58 аёлда амалга оширилган, бу 29,2% ни ташкил қилган. Бачадон бўшлиғини қўлда текшириш амалиёти 3 ҳолатда бажарилган бўлиб, бу табиий туғруқларнинг 6%ида амалга оширилганини кўрсатди.

Кўп сувлилик билан ҳомиладор бўлган аёлларда кесар кесиш амалиёти асосан ФФТС билан боғлиқ ҳолатларда (23%), НЖЙМОА (17%), ҳомиланинг нотўғри жойлашуви (14%) сабабли ўтказилган.

Энг кўп фоизни ҳомиладорликнинг оғир асоратлари, жумладан, ФФТС ва НЖЙМОА эгаллайди. Ҳомиланинг жойлашуви ва она танасининг анатомик хусусиятлари билан боғлиқ омиллар ҳам операция йўли билан туғруқ учун муҳим сабабларни ташкил этган. Офтальмологик кўрсатмалар (миопия) бошқа сабабларга нисбатан камроқ учраган (4-расм).



4-расм. Кўп сувлилик ҳолатидаги ҳомиладорларда абдоминал туғруқга кўрсатмалар

2-жадвалда тадқиқотнинг ретроспектив қисмида кўп сувлилик ҳолати кузатилган 199 нафар ҳомиладор аёлдан туғилган чақалоқларнинг морфофункционал ҳолати таҳлил қилинди. Ушбу маълумотлар чақалоқларнинг бўйи, вазни ва Апгар шкаласи бўйича баҳолаш кўрсаткичларини ўз ичига олади. Чақалоқлар бўйи таҳлили шуни кўрсатдики, болаларнинг аксариятида (65,7%) бўй 35-47 см оралиғида бўлган. Ўртача (34,1%) чақалоқлар 47-53 см бўйга эга бўлган.

Чақалоқларнинг вазни таҳлил натижаларига кўра, 2500 грамм ва ундан кам вазнга эга чақалоқлар сони 131 нафар (65,8%) ни ташкил этди. Фақат 68 нафар чақалоқ (34,1%) да вазн ≥ 2500 г бўлган бўлиб, улар муддатдаги туғруқ (≥ 37 ҳафта) гуруҳига тўғри келган.

Кўп сувлилик ҳолати кузатилган ҳомиладор аёллардан янги туғилган чақалоқларнинг ҳолати

| Ўрганилган параметрлар | | Ретроспектив гуруҳ (n=199) | |
|--|------------------|----------------------------|-------|
| Чақалоқ вазни | Туғилган муддати | Абс | % |
| <999 | <28 | 37 | 18,6% |
| 1000-1499 | 28-30 | 44 | 22,1% |
| 1500-2499 | 31-36 | 50 | 25,1% |
| > 2500 | >37 | 68 | 34,1% |
| Апгар шкаласи бўйича баҳолаш | | | |
| 3-4 | | 41 | 20,6% |
| 5-7 | | 95 | 47,7% |
| 8-10 | | 63 | 31,6% |
| Аntenатал ҳомила ўлими | | 9 | 4,5% |
| Интранатал ўлим | | 0 | 0 |
| 0-6 кун ичида янги туғилган чақалоқларнинг ўлими | | 21 | 10,5% |

Перинатал натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, чақалоқларнинг катта қисми n=131 (65,8%) вазни 2500 граммдан кам бўлган, ва n=136 (68,3%) чақалоқлар Апгар шкаласи бўйича паст балл (<8 балл) олган. Ретроспектив таҳлилда перинатал ўлим n=30 (15,0%) ни ташкил этган бўлиб, бу кўп ҳолатларда ўткир кўп сувлилик туфайли муддатидан аввалги туғруқ билан боғлиқлиги аниқланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Шахсий тадқиқот натижалари. Текширилган беморларнинг клиник характеристикаси. Ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёлларда бачадон- йўлдош -ҳомила қон айланишининг ҳолати натижалари**». Тадқиқот объектлари сифатида 55 нафар ўткир кўп сувлилик кузатилган ҳомиладор аёллар олинган. Тадқиқотнинг асосий гуруҳига универсал бачадон ичи портидан фойдаланилган ҳолда ўткир кўп сувлилик ташхиси қўйилган 21 нафар бемор киритилган, таққослаш гуруҳини эса стандарт амниоредукциядан фойдаланилган ҳолда ўткир кўп сувлилик ташхиси қўйилган 34 нафар ҳомиладор аёллар ташкил этган.

3-жадвалда икки гуруҳ — асосий гуруҳ (n=21) ва таққослаш гуруҳи (n=34) ҳомиладор аёлларининг ёш ва акушерлик хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган. Асосий гуруҳга универсал бачадон ичи порти орқали амниоредукция амалиёти ўтказилган ҳомиладорлар, таққослаш гуруҳига эса стандарт амниоредукция амалиёти ўтказилган ҳомиладорлар ўткир кўп сувлилик ҳолатлари киритилган.

Ўткир кўп сувлилик билан текширилган гуруҳларда ёш ва паритет

| Кўрсаткичлар | | Асосий гуруҳ n=21 | Таққослаш гуруҳи n=34 |
|---|----------------------|----------------------|--------------------------|
| Ўткир кўп сувлилик билан ҳомиладор аёлларнинг ёши | | 28,2±4,2 | 27,8±4,2 |
| Ўткир кўп сувлилик билан ҳомиладор аёлларнинг паритети | Биринчи ҳомиладорлик | 27,8% | 28,7% |
| | Қайта ҳомиладорлик | 72,2% | 71,3% |
| Ўткир кўп сувлилик билан ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик муддати | | 27,0±3,2 ҳафта | 27,5±3,1 ҳафта |
| Гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади (p>0,05). | | | |

Ўткир кўп сувлилик бўлган асосий гуруҳдаги аёлларнинг ўртача ёши 28,2±4,2 ёшни, таққослаш гуруҳида эса 27,8±4,2 ёшни ташкил этган. Ёш бўйича гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ($p > 0,05$), бу ушбу кўрсаткич бўйича гуруҳларнинг қиёсламоққа яроқли эканлигини кўрсатади.

Паритетни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, асосий гуруҳдаги ўткир кўп сувлилик билан бемор аёлларнинг 27,8% биринчи марта ҳомиладор бўлган, 72,2% эса қайта ҳомиладор бўлган. Таққослаш гуруҳида бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 28,7% ва 71,3% ни ташкил этган. Бу фарқлар ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p > 0,05$), бу гуруҳларнинг паритет бўйича бир хиллигини тасдиқлайди.

Ўткир кўп сувлилик ташхиси қўйилган пайтдаги ўртача ҳомиладорлик муддати асосий гуруҳда 27,0 ± 3,2 ҳафтани, таққослаш гуруҳида эса 27,5 ± 3,1 ҳафтани ташкил этган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ($p > 0,05$).

4-жадвал ҳомиладор аёлларда амниоредукция ўтказилишидан олдинги ҳолатдаги амниотик сув ҳажмини тавсифловчи кўрсаткичларни ифода этади.

4-жадвал

Амниоредукциядан олдин таҳлил қилинган гуруҳларда амниотик сув индекси натижалари

| Кўрсаткичлар | Асосий гуруҳ (n=21) | Таққослаш гуруҳи (n=34) |
|---|---------------------|-------------------------|
| Амниотик суюқлик индекси | 453±45см | 450±56см |
| Максимал вертикал чўнтак | 18±1,2см | 18±1,1см |
| Гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқлар аниқланмади (p>0,05). | | |

Гуруҳлар орасида ҳар икки кўрсаткич (АІ ва МВЧ) бўйича фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p>0,05$). Бу, амалиётга қадар гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар йўқлигини тасдиқлайди.

Икки гуруҳ ҳам амниоредукциядан олдин амниотик сув ҳажми бўйича бир хил эди, бу дастлабки ҳолатнинг тадқиқот натижаларига таъсир қилиш эҳтимолини истисно қилади.

5-жадвал тадқиқотда амниоредукция муолажасининг бачадон артериясидаги (a. uterina) қон айланишига таъсири баҳоланди. Бу мақсадда асосий ва таққослаш гуруҳларида аёлларга амниоредукциядан олдин ва кейин доплерография усулида С/Д, резистентлик индекси (РИ) ва пульсация индекси (ПИ) кўрсаткичлари ўлчанди.

Шунингдек, таққослаш гуруҳидаги (n=34) аёллар орасида ҳам шунга ўхшаш тенденциялар кузатилди. 19 нафар (55,9%) аёлда С/Д, РИ ва ПИ кўрсаткичлари муолажадан олдин паст бўлиб, амниоредукциядан сўнг деярли ўзгармаган. Аммо 15 нафар (44,1%) аёлда муолажагача юқори резистентлик кузатилган (С/Д — $2,55 \pm 0,4$, РИ — $0,65 \pm 0,2$, ПИ — $1,36 \pm 0,3$), ва амниоредукциядан кейин бу кўрсаткичлар асосий гуруҳдаги каби пасайган.

Ҳар икки гуруҳда амниоредукцияга қадар ва кейин бачадон артерияларининг ҳолатини баҳоловчи барча кўрсаткичлар статистик аҳамиятли фарқларга эга эмас ($p > 0,05$).

6-жадвалда амниоредукция муолажасининг фетал қон айланишга таъсирини баҳолаш мақсадида тадқиқот доирасида киндик артерияси (a. umbilicalis) қон оқими доплерография орқали баҳоланди.

Ҳомиланинг гипоксияга йўлиқиш хавфини баҳолашда мазкур артериянинг С/Д (систоло-диастолик нисбат), РИ (резистентлик индекси) ва ПИ (пульсация индекси) кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади. Кўрсаткичлар амниоредукция муолажасидан олдин ва кейин алоҳида баҳоланган.

Асосий гуруҳдаги (n=21) беморлар орасидаги 13 нафар (61,9%) аёлда амниоредукциягача С/Д — $2,75 \pm 0,4$, РИ — $1,05 \pm 0,4$, ПИ — $0,75 \pm 0,22$ бўлган. Амниоредукциядан сўнг ушбу кўрсаткичларда кичик фарқ кузатилган: С/Д — $2,8 \pm 0,4$, РИ — $0,86 \pm 0,2$, ПИ — $0,65 \pm 0,23$. Бу ҳолатда фетал қон айланиш параметрларида мўтадиллашув қайд этилган. Шу гуруҳдаги 8 нафар (38,1%) аёлда эса амниоредукциягача юқори қаршилиқ кўрсаткичлари қайд этилган: С/Д — $3,15 \pm 0,3$, РИ — $1,33 \pm 0,4$, ПИ — $0,89 \pm 0,2$. Ушбу беморларда амниоредукциядан кейин С/Д — $2,75 \pm 0,2$, РИ — $1,06 \pm 0,2$, ПИ — $0,75 \pm 0,3$ даражада бўлиб, доплер кўрсаткичларининг пасайиши орқали перфузия яхшилангани кўзга ташланган.

5-жадвал

Амниоредукциядан олдин ва кейин таҳлил қилинган гуруҳларда бачадон артериялари ҳолати

| Гуруҳлар | | Допплерометрик кўрсаткичлар, a. uterine | | | | | |
|-------------------------|--------------|---|------------------|------------------|------------------------|------------------|------------------|
| | | Амниоредукциягача | | | Амниоредукциядан кейин | | |
| | | С/Д | РИ | ПИ | С/Д | РИ | ПИ |
| Асосий гуруҳ (n=21) | n=8 (38,1%) | $1,75 \pm 0,4$ | $0,50 \pm 0,2$ | $1,02 \pm 0,3$ | $1,75 \pm 0,3$ | $0,45 \pm 0,5$ | $1,05 \pm 0,1$ |
| | n=13 (61,9%) | $2,65 \pm 0,3^*$ | $0,72 \pm 0,2^*$ | $1,36 \pm 0,3^*$ | $1,75 \pm 0,3^*$ | $0,45 \pm 0,5^*$ | $1,05 \pm 0,1^*$ |
| Таққослаш гуруҳи (n=34) | n=19 (55,9%) | $1,82 \pm 0,4$ | $0,53 \pm 0,2$ | $1,05 \pm 0,3$ | $1,75 \pm 0,3$ | $0,45 \pm 0,5$ | $1,05 \pm 0,1$ |
| | n=15 (44,1%) | $2,55 \pm 0,4^*$ | $0,65 \pm 0,2^*$ | $1,36 \pm 0,3^*$ | $1,75 \pm 0,3^*$ | $0,45 \pm 0,5^*$ | $1,05 \pm 0,1^*$ |

Гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$).

**Амниоредукцияга қадар ва кейин текширилган гуруҳларда киндик
артериясининг ҳолати**

| Гуруҳлар | Сони | Амниоредукциягача | | | Амниоредукциядан кейин | | |
|-------------------------------|--------------|-------------------|----------|-----------|------------------------|----------|-----------|
| | | С/Д | РИ | ПИ | С/Д | РИ | ПИ |
| Асосий гуруҳ (n=21) | n=13 (61,9%) | 2,75±0,4 | 1,05±0,4 | 0,75±0,22 | 2,8±0,4 | 0,86±0,2 | 0,65±0,23 |
| | n=8 (38,1%) | 3,15±0,3* | 1,33±0,4 | 0,89±0,2* | 2,75±0,2 | 1,06±0,2 | 0,75±0,3 |
| Таққослаш гуруҳи (n=34) | n=19 (55,9%) | 2,7±0,5 | 1,15±0,4 | 0,75±0,23 | 2,8±0,4 | 0,9±0,3 | 0,72±0,22 |
| | n=15 (44,1%) | 3,18±0,3* | 1,34±0,4 | 0,88±0,2* | 2,74±0,2 | 1,02±0,2 | 0,73±0,3 |

* гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади (p<0,05)

Таққослаш гуруҳидаги (n=34) 19 нафар (55,9%) аёлда амниоредукциягача С/Д — 2,7±0,5, РИ — 1,15±0,41, ПИ — 0,75±0,23 бўлган. Муолажадан сўнг С/Д — 2,8±0,4, РИ — 0,9±0,3, ПИ — 0,72±0,22 даражаларга етиб, катта ўзгариш қайд этилмаган. Шу билан бирга, 15 нафар (44,1%) аёлда амниоредукциягача С/Д — 3,18±0,3, РИ — 1,34±0,4, ПИ — 0,88±0,2 каби юқори қаршиликли ҳолатлар кузатилган бўлиб, муолажадан кейин С/Д — 2,74±0,2, РИ — 1,02±0,2, ПИ — 0,73±0,3 даражасигача пасайган.

Киндик артериясидаги қон оқимининг амниоредукциядан сўнгги баҳоси шуни кўрсатдики, айниқса муолажадан олдин юқори қаршиликка эга бўлган беморларда доплер кўрсаткичлари барқарор пасайишга юз тутган. Бу эса амниоредукция муолажасининг фетоплацентар қон айланишга ижобий таъсир кўрсатишини ва гипоксия хавфини камайтиришини кўрсатади. Ҳар икки гуруҳда ҳам амниоредукциядан кейин киндик артериясидаги ПИ пасайиши кузатилди, бу қон оқимида қаршилик камайганини кўрсатади. Амниоредукцияга қадар ва ундан кейинги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ҳар икки гуруҳда ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли (p<0,05) бўлиб, натижалар ишончли эканлигини тасдиқлайди.

Асосий гуруҳда амниоредукциядан кейин РИ янада сезиларли даражада пасайди, бу эса қон айланишининг яхшиланганлигини кўрсатади ва унинг самарадорлигига ишора қилади.

ПИ ва РИ кўрсаткичларининг амниоредукциядан кейин пасайиши киндик артериясида қон айланишининг яхшиланганлигидан далолат беради. Бу пасайиш асосий гуруҳда кўпроқ намоён бўлди, бу универсал бачадон ичи портдан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «§4.3. Ҳомила сувларнинг таркибига доир лаборатория тадқиқотлари натижалари (кислотали-ишқорий мувозанат) ва микрофлора (ИЛ-6, прокальцитонин, ПЦР, бактериал инфекция ва TORCH-инфекциялар)» қисмида митрал стенози билан ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғруқ даврида ўзига хос хусусиятлари

ўрганилган. 7 ва 8 жадвалда таҳлил қилинган параметрларнинг учта асосий категорияси келтирилган газ кўрсаткичлари, электролитлар ва метаболитлар.

7-жадвал

Ҳомиладорликнинг 2 триместрдаги ўткир кўп сувлиликда амниотик суюқлик таркибининг лаборатор текширув натижалари (КИМ)

| КИМ | 22-28 ҳафталик гестация давридаги хомиладор аёллар (n=22) | Норма (FMF бўйича) |
|---|--|--------------------|
| Амниотик сувдаги газ кўрсаткичлари | | |
| pH | 6,01+/-1,09* | 7,5+/-0,028 |
| O ₂ | 48,0+/-1,5* | 56,2+/-1,5 |
| Амниотик сувдаги электролит кўрсаткичлари | | |
| Na | 101+/-3,9 | 134+/-3,4 |
| K | 3,9+/-0,1 | 4,0+/-0,1 |
| CL | 102+/-1,2 | 104+/-1,6 |
| Ca | 1,15+/-0,12 | 1,9+/-0,21 |
| Метаболитлар | | |
| Glu | 2,81+/-0,35 | 3,12+/-0,34 |
| Лактат | 3,12+/-0,2* | 0,5-2 ммоль/л |

Изох: Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ ($P < 0,05$) I ва II гуруҳларда pH, O₂, натрий, калий, хлор ва лактат кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ аниқланди.

Глюкоза ва кальций II гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан статистик фарқланмаган ($P > 0,05$).

Газли муҳитни баҳолашда pH ва O₂ парциал босими каби асосий кўрсаткичлар ўлчанди. I ва II гуруҳларда pH даражаси мутаносиб равишда $6,01 \pm 1,09$ ва $6,07 \pm 1,05$ ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳидаги $7,5 \pm 0,028$ га нисбатан кескин паст.

Оксигенация кўрсаткичи – O₂ даражаси ҳам I ва II гуруҳларда назорат гуруҳига қараганда паст бўлиб, мос равишда $48,0 \pm 1,5$ мм. с.б. ва $51 \pm 1,2$ мм. с.б. ни ташкил этди. Бу ҳолат амниотик муҳитда оксиген таъминотидаги чекланишни тасдиқлайди.

Электролит баланси: Амниотик суюқликда натрий миқдори I гуруҳда $101 \pm 3,9$ ммоль/л, II гуруҳда $121 \pm 3,4$ ммоль/л, назоратда эса $134 \pm 3,4$ ммоль/л бўлиб, гипонатриемия ҳолати борлиги намоён бўлди. Бу ҳолат ҳомиланинг сув-электролит алмашинувидаги дисфункция билан боғлиқ [2].

Калий, хлор ва кальций даражалари ҳам I ва II гуруҳларда нормал кўрсаткичларга нисбатан пасайган. Масалан, кальций даражаси I гуруҳда $1,15 \pm 0,12$ ммоль/л, II гуруҳда $1,8 \pm 0,21$ ммоль/л ва назоратда $1,9 \pm 0,21$ ммоль/л ни ташкил этган.

Метаболизм кўрсаткичлари: Глюкоза миқдори гуруҳлар орасида катта фарқ қилмаган (I: $2,81 \pm 0,35$, II: $3,02 \pm 0,34$, Назорат: $3,12 \pm 0,34$ ммоль/л), аммо лактат даражаси I ва II гуруҳларда аниқ юқори бўлиб (I: $3,12 \pm 0,2$, II: $3,21 \pm 0,1$), нормал диапазон ($0,5-2$ ммоль/л) билан таққослаганда метаболит стресс ва гипоксияни кўрсатади.

Ҳомиладорликнинг 3 триместрдаги ўткир кўп сувлиликда амниотик суюқлик таркибининг лаборатор текширув натижалари (КИМ)

| КИМ | 29-34 ҳафталик гестация давридаги ҳомиладор аёллар (n=33) | Норма (FMF бўйича) |
|---|--|--------------------|
| Амниотик сувдаги газ кўрсаткичлари | | |
| pH | 6,07+/-1,05* | 7,5+/-0,028 |
| O ₂ | 51+/-1,2* | 56,2+/-1,5 |
| Амниотик сувдаги электролит кўрсаткичлари | | |
| Na | 121+/-3,4 | 134+/-3,4 |
| K | 3,9+/-0,1 | 4,0+/-0,1 |
| CL | 101+/-1,3 | 104+/-1,6 |
| Ca | 1,8+/-0,21 | 1,9+/-0,21 |
| Метаболитлар | | |
| Glu | 3,02+/-0,34 | 3,12+/-0,34 |
| Лактат | 3,21+/-0,1* | 0,5-2 ммоль/л |

Изоҳ: Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ ($P < 0,05$) I ва II гуруҳларда pH, O₂, натрий, калий, хлор ва лактат кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқ аниқланди.

Глюкоза ва кальций II гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан статистик фарқланмаган ($P > 0,05$).

Шундай қилиб, ўткир кўп сувлилик билан ҳомиладорларда амниотик сувнинг газ ва электролит кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар аниқланди, бу уларнинг кимёвий таркиби бузилганлигини кўрсатади. Лактат даражасининг кўтарилиши ва pH пасайиши ҳомила модда алмашинуви ва кислород билан таъминланиши бузилганлигини англатади. Натрий ва кальций концентрациясининг пасайиши электролит дисбаланси мавжудлигини тасдиқлайди, бу амниотик сувнинг ишлаб чиқарилиши ва резорбцияси динамикаси ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу маълумотлар кўп сувлилик билан кечувчи ҳомиладорлик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни коррекция қилиш учун амниотик сув таркибини мониторинг қилишнинг аҳамиятини таъкидлайди.

Ўткир кўп сувлилик билан кечаётган ҳомиладорликларда амниотик суюқлик таркибидаги ўзгаришлар фетал ҳолатни жиддий хавф остида эканини кўрсатади. Газлар алмашинувининг бузилиши (pH ва O₂), электролит дисбаланси (натрий, кальций) ва лактат даражасининг ошиб кетиши фетал гипоксия ва метаболик ацидоз ривожланаётганини англатади. Бу ҳолатларда мунтазам биокимёвий мониторинг ва зарурат туғилганда перинатал аралашув (амниоредукция ёки кесарча) тавсия этилган.

9-жадвалда икки тадқиқот гуруҳи: асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи ўртасидаги лаборатор маълумотларнинг қиёсий баҳоси келтирилган.

Асосий гуруҳда интерлейкин-6 нинг ўртача даражаси $267 \pm 88,2$ нг/мл ни, таққослаш гуруҳида эса $256 \pm 79,6$ нг/мл ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли даражага етмади ($P = 0,614$), бу кўрсаткич бўйича сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатади.

Ўткир кўп сувлилик ҳолатидаги лаборатор маълумотларнинг қиёсий баҳоланиши

| Гуруҳлар | Интерлейкин -6 (норма 0-10 нг/мл) | Прокальцитонин (норма 0-0,5нг/мл) | P – ахамияти |
|------------------|--------------------------------------|--------------------------------------|-----------------|
| Асосий гуруҳ | 267±88,2* | 0,24±0,2 | 0,614 |
| Таққослаш гуруҳи | 256±79,6* | 0,22±0,1 | 0,626 |
| Назорат гуруҳи | 9,2±0,2 | 0,23±0,1 | 0,625 |

Изоҳ: * - оғиш назорат гуруҳига нисбатан ишончли $p < 0,05$

Прокальцитониннинг ўртача даражаси асосий гуруҳда $0,24 \pm 0,2$ нг/мл, таққослаш гуруҳида эса $0,22 \pm 0,1$ нг/мл ни ташкил этди. P қиймати ҳам ахамиятли даражадан юқори бўлиб чиқди ($P = 0,626$), бу кўрсаткичлар ҳар икки гуруҳда ҳам ўхшаш эканлигини кўрсатади.

